



Шамах жанги

986-хижрий йил Рамазон ойининг 11-куни (1578 йил 11 ноябрь) Усманийлар империяси ва Сафавийлар давлати (Эрон) кўшинлари ўртасида Шамах (Озарбайжон) жанг бўлди. Туркларнинг келиб чиқиши босниялик бўлган бош кўмондони Лала Кора Мустафо-пошо жанг майдонида 15 минг аскарни йўқотган форс кўшинини маглубиятга учратди. Бу жанг ўн икки йил давом этган Эрон-Туркия уруши бошида бўлиб ўтди. 1590 йилнинг мартада Усманийлар империяси ва Сафавийлар империяси ўртасида Истанбул шартномаси имзоланди, унга кўра Форс Кавказортини йўқотди. Бу зиддият икки ҳокимиятнинг одатий тўқнашувидан кўра кўпроқ маънони англатган: кураш Ислом дунёсида сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлик учун эди, чунки ҳар икки империя XVI аср охирига келиб ўз

кудратининг чўккисига етганди.

Уруш бошидаёк маглубиятга учраган шиа Сафавийлар сулоласи Усманий турклар бошчилигида суннийларга карши чиқиш учун ҳар қандай восита ишлатишдан бўйин товламади. Бу бежиз эмас, чунки улар ҳокимият тепасига келгач, Сафавийлар миллий тамойилни эмас, балки шиаликни илгари суриб, уни давлат дини деб эълон қилдилар. Сафавийлар даврида шиалик Эронда ҳукмрон тенденция сифатида вужудга келган. Шу муносабат билан, бу ҳарбий можаро давомида содир бўлган икки ажойиб факт ўзига эътибор қаратади:

1. 1569 йил Парцҳиси (Алгети дараси) жангида чекинаётган форсларни қувишда грузин шоҳи Картли Симон I асир олинади. У тўққиз йил форслар қўлида тутқинликда ўтказади. Эронликлар турклардан дастлабки маглубиятларни қабул қила бошлагач, шоҳ Симонни қамокдан озод қилади ва усмоийлар томонидан эгаллаб бўлинган Картлига шоҳ қилиб тайинлайди. Қайтиб қелиши билан Симон дарҳол партизанлар урушини бошлайди. Тез орада у Лоре, Гори ва бошқа грузин қалъаларини турклардан озод қилади. 1579 йил Симон қўшинлари бундан бир йил олдин турклар томонидан ишғол қилинган Тбилисини қуршаб олади ва ёрдамга келаётган гуруҳларни маглуб этади. 1582 йил Симон Манучар II Жакели билан Туркияга қарши иттифок тузади. Худди шу йили Мухрани жангида улар султон қўшинларини тор-мор қилади. Орадан беш йил ўтиб усмонийлар Грузиянинг бир қисми устидан назоратни қайтара олади. Шу билан бирга, Симон I нинг ўзи ҳам қуруқ қолмайди: ўлпон эвазига турк султони уни Картли подшоҳи деб тан олди. Шундай қилиб, Усманийлар империяси Кавказда икки фронтда ҳаракат қилиш керак эди: Симон I бошчилигидаги грузинларга ва уларни қўллаб-қувватлаган Сафавийларга қарши.

2. Кавказ кампаниясининг муваффақиятидан сўнг Истанбулдаги энг олий амалдорлар Ўзбек хонининг Россияга қарши юриш қилиш таклифини жиддий қўриб чиқдилар. Режалаштирилган тадбирнинг максади: 1556 йилда Иван Грознийнинг қўшинлари томонидан Астрахан босиб олинганидан сўнг Россияга қўшиб олинган Астрахан хонлигини қайтариб олиш эди. Шиа Эроннинг режалари эса бунинг тамомига акси эди. 1587 йил тахтга чиққан Эрон шоҳи Аббос I ўша пайтлар форслар қўлида бўлган Дербент ва Ширвонни Москвага бериш эвазига Россия билан туркларга қарши иттифок тузиш ҳақида музоқаралар бошлайди. Бирок Россия билан музоқаралар муваффақиятсиз қун топади ва Аббос 1590 йил тузилган Усманийлар империяси билан ўта муваффақиятсиз сулҳ имзолашга мажбур бўлади. Қўлга қиритилган фурсатдан шоҳ Аббос ўз империяси учун самарали фойдаланади: у ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаган, туркларга қарши қурашиш учун ҳарбий ислохот қиритган ва қўчманчи ўзбекларни шимоли-шарқий Эрондан ҳайдаб чиқарган.

Абу Муслим таржимаси